

Огил ёнида ўйнаганимизда, пастда, кумуш ранг толнинг тагида кўринмай оқаётган сойнинг махзун шилдирашини эшитиб турардик. Уйимиз ички ховлининг улкан каштан дарахтлари ортида кўринмай кетарди. Онам Истамбулга кетганлари учун мендан бир ёш кичик укам Хасан билан иккимиз Дадарухнинг ёнидан кетмас эдик. Дадарух дадамнинг отбокари, кари киши эди. Отларни яхши кўрганимиз учун сахарда уйғонишимиз биланок огилга чопардик. Дадарухнинг ёнида бўлиб, отларни сугориб келиш, уларни миниш завк багишларди. Хасан бўлса кўркар, ёлгиз миномасди. Дадарух отга миниб уни олдига ўтказиб оларди. Халталарга арпа солиш, ем тўрваларни ўтга тўлдириш, огилни тозалаш, гўнг ташиш — энг кизик ўйиндан ҳам ортик, бизнинг жону дилимиз эди. Отларни кашлашни айтмайсизми? Энг завклиси шу эди! Дадарух кўлига кашлагични олиб, соат товушидай китирлата бошлаши билан, тамом, жойимда туролмас, «Мен ҳам кашлай» деб холи жонига кўймасдим. Шунда Дадарух мени Тўсин исмли отга миндириб, кўлимга кашлагични берар ва «Кани кашла!» дерди.

Бу темир асбобни йилкининг терисига киртишлаган бўлардим, бироқ ўшандай китирлаган товушни маромига етказиб чиқаролмасдим.

— Куйругини ликиллатяптими?

— Ха ликиллатяпти.

— Кани бир кўрай...

Бўй чўзиб карасам ҳам отнинг сагрисидан думи кўринмасди. Хар куни эрталаб огилга келишим билан «Дадарух, мен кашлай», деб ялинардим.

— Йўк, уддалай олмайсан.

— Нима учун?

— Хали ёшсан, шунинг учун!

— Эплай оламан!

— Катта бўлгин, кейин...

— Э, қачон!

— Бўйинг отга етганида!

* * *

Огил юмушларидан факат отни кашлашни эплотмасдим. Бўйим отнинг корнига ҳам етмасди-да! Холбуки, энг завкли, энг зўр нарса шу эди. Кашлагичдан чиқаётган китирлаган товуш Тўсинга ёқаётгандай кулоқларини кимирлатар, думини шокиладай ликиллатарди. Кашлашни тугатай деб колганда эса гўё, жахли чиқар, ўшандай пайтда Дадарух «хўйт» деб сагрисига енгил тарсаки туширарди ва бошка отни кашлай бошларди.

Бир куни уйда ёлгиз колдим. Хасан билан Дадарух сой ёкасига тушиб кетишган. Отни кашлаш истаги ҳеч тинчлик бермасди менга. Кашлагични кидириб тополмадим. Огил бурчагида Дадарухнинг дарчасиз кулбаси бўларди. Кулбага кириб тоқчани титкилай бошладим. Эгарларнинг орасини ҳам қарадим. Йўк. Ҳеч қаерда йўк. Ётогининг тагида яшил тахтали сандик турган экан. Уни ҳам очдим. Нихоят... Севинчдан хайкираёздим. Онамнинг бир хафта бурун Истанбулдан юборган совгалари орасида факфон кашлагичи ял-ял ёниб турарди. Кашлагични олдим Тўсиннинг ёнига югурдим ва корнига ишкай бшладим. Тўсин негадир тоқатсизлана бошлади. «Огрятпти чоги» деб ўйладим.

Кумушдай товланаётган бу чиройли кашлагичнинг тишларига узок тикилдим. Кўринишдан жуда ўткир. Тишларини бироз ўтмас килиш максатида девор тошига ишкалай бошладим. Тишлари ўтмас бўлиб колганидан сўнг кашлагични яна синаб кўрмокчи бўлдим. Барибир, отлар тинч туролмай безовта бўларди. Тутокиб кетдим. Аламимни кашлагичдан олмокчи бўлиб, нарирокдаги булок огзига югурдим. Кашлагични ялок тошга кўйдиму ердан тош олиб, ура бошладим. Истанбулдан юборилган, афтидан, Дадарух ишлатишга кўзи киймай, асраб юрган бу чиройли кашлагични эзиб, ялокнинг ичига ташлаб юбордим.

Эрталаблари отам ташкарига чикканида огилга кириб у ер-бу ерни кўздан кечирарди. Мен огилда ёлгиз эдим. Хасан эса уйда, хизматчимизнинг ёнида эди. Отам булокни томоша килаётиб ялок ичидаги синган кашлагични кўриб колди ва Дадарухга караб бакирди.

— Буёкка кел!

Нафасим тикилиб, кўркиб кетдим.

Отам синган кашлагични илкига тутиб, буни ким килди, дея Дадарухдан сўради. Дадарух таажжубланиб:

— Билмадим, — деб жавоб килди.

Отамнинг кўзи менга тушиши билан, хали сўраб улгурмаган хам эди мен:

— Хасан, — дедим.

— Хасанми?

— Ха, кеча Дадарух ухлаётганда хонасига кириб, сандигидан кашлагични олди-да, ялокнинг тошида эди.

— Нега Дадарухни чакирмадинг?

— Ухлаётган эди.

— Кани, Хасанни чакир!

Ички ховлининг эшигидан кириб, ихчам йўлкадан уй томон чопдим, Хасанни чакирдим.

Хеч гапдан хабари йўк Хасан оркамдан югуриб келди.

Дадам каттиккўл эдилар, жахл билан карасалар юрагимиз ёрилаёзарди. Хасанга караб:

— Ёлгон гапирсанг, таёк ейсан! — дедилар.

— Ёлгон гапирмайман.

— Яхши, кашлагични нега синдирдинг?

Хасан Дадарухнинг кўлидаги ускунага хайрон бўлиб каради. Кейин малларанг сочини ўйнатиб:

— Мен синдирганим йўк, — деди.

— Ёлгон гапирма деяпман.

— Йўк, мен синдирмадим.

Дадам яна такрорлади.

— Тўгрисини айтсанг, уришмайман, ёлгон гапириш ёмон одат.

Хасан ўжарлик килиб, йўк деб туриб олди. Дадамнинг газаби кайнаб, Хасан томон шайланиб борди-да, уятсиз, ёлгончи, деб тарсаки тортиб юборди. — «Буни кўзимдан даф кил, бу ерга йўламасин, факат Парвин билан ўтирсин», дея ўшқирди.

Дадарух йиглаётган укамни багрига босиб, ичкарига олиб кетди.

Ўшандан буён огилда ёлгиз ўйнайдиган бўлдим. Хасан эса уйдан чикмасликка махкум килинганди. Онам Истанбулдан кайтганларидан кейин хам дадам Хасанни кечирмадилар. Унга кўзлари тушса, ёлгончи, деб кўярдилар. Хасан еган тарсакисини эслаб йиглаб юборар, кейин ўзини зўрга босиб оларди. Бечора онам менинг тухмат

килганимни хаёлига ҳам келтирмас ва «ахмок Дадарух кашлагични отларнинг тагида эздирган бўлмасин тагин?», деб кўярди.

Келаси йили ёзда онам яна Истанбулга кетдилар. Биз яна ёлгиз колдик. Хасаннинг огилга бориши хануз ман этилганди. Кечалари ётганимизда отларнинг ахволини, тойларнинг катта бўлган, бўлмаганини мендан сўраб турарди. Бир куни Хасан дабдурустдан касал бўлиб колди. Доктор олиб келиш учун шаҳарчага одам жўнатилди. Доктор укамни текшириб, юкумли касалга чалинганини айтди. Буни эшитган фермадаги хотинлар уйимизга келиб, бир нечта парранданинг бошини олиб, укамнинг бўйнига боглаб кўйишди. Айтишларича, бундай эскича иримни килса, тузалиб кетармиш. Дадам укамнинг ёнидан сира кетолмадилар. Дадарух ҳам гамгин бўлиб колди. Парвин эса хўнг-хўнг йиглагани-йиглаган.

— Нега йиглаяпсиз? — деб сўрадим.

— Уканг касал-ку...

— Тузалиб кетади.

— Тузалмайди.

— Тузалмаса нима бўлади?

— Уканг ўлади.

— Ўладими?

* * *

Мен ҳам йиглай бошладим. Укам касал бўлганидан бери мени Парвиннинг хонасига кўчиришди. Ўша кеча ҳеч ухлолмай чикдим. Хаёлга чўмишим билан Хасан кўз ўнгимда «Тухматчи! Тухматчи!», дея йиглаётгандай бўлаверарди.

Парвинни уйготдим.

— Хасаннинг ёнига бораман, — дедим.

— Нега?

— Дадамга айтадиган гапим бор.

— Нима гапинг бор?

— Кашлагични мен синдирган эдим, шуни айтмокчиман.

— Кайси кашлагични?

— Ўтган йилги. Хасанга тўнкаган эдим...

Сўзимни тугатаолмадим. Ичимдан келаётган тугёнлар нафасимни бўғиб кўйди.

Йиглай-йиглай бўлган воқеани Парвинга гапириб бердим. Хозир буни дадамга айтсам, Хасан ҳам эшитиб, балки мени кечирар?

— Эртага айтасан, — деди Парвин.

— Йўк, хозир бораман.

— Хозир даданг ухляпти, эртага эрталаб айтасан. Хасан ҳам уйкуда. Эртага уни кучоклаб, ўпиб, кечирим сўрасанг, кечиради.

— Хўп, яхши.

— Кани энди, ухла!

Тонггача кўзимга уйку келмади. Тонг оқара бошлаганида Парвинни уйготдим.

Ўрнимиздан турдик. Ичимни кийнаётган азобдан бўшалиш учун шошиб борардим...

Лекин, минг афсус, бу кеча бечора, гуноҳсиз укамнинг жони узилган экан.

Айвонда кишлокнинг имоми билан Дадарух кўзда ёш билан, дадамнинг ташкарига чиқишини кутиб турардилар.

Туркчадан Лола Аминова таржимаси.